

Сийрат дарслари (114-дарс). Рўзадор ўпса бўладими?



13:00 / 11.12.2020 3804

446. *Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким рўзадор бўлса-ю, унга қайт ғолиб келса, қазо қилиш вожиб эмас. Агар ўзи хоҳлаб, қайт қилган бўлса, қазо тутсин», деганлар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

447. *Умар ибн Абу Саламадан – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғларидаги ўғилларидан ривоят қилинади:*

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Рўзадор ўпса бўладими?» деб сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Мана бундан сўра»**, деб Умму Саламани кўрсатдилар. Шунда у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни қилишларининг хабарини берди. Сўнгра у: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Аммо, Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳга энг кўп тақво қиладиганингизман ва У зотдан энг кўп қўрқадиганингизман»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

448. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким рўзадорлигини унутиб қўйиб еса ёки ичса, рўзасини охирига етказсин. Уни Аллоҳ таомлантирибди ва сероб қилибди, холос», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан